Переплет-2012 I-VI

# ЯНГИ ЙИЛ БАРЧАМИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН!

**2012 йил 1 январь, якшанба**

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 1 (12.062)

Баҳоси эркин нархда

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

*Азиз ватандошлар!*

*Муҳтарам дўстлар!*

*Мана шу файзли оқшомда байрам дастурхони атрофида жамулжам бўлиб, янги йилни кутиб олаётган сиз азизларни, бутун халқимизни ушбу қутлуғ айём билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг самимий ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришдан бахтиёрман.*

*Мана шу шукуҳли дамларда якунига етаётган 2011 йилни кузатар эканмиз, мамлакатимиз тараққиётида рўй берган улкан ўзгариш ва янгиланишлар, қўлга киритилган ютуқ ва марралар қаторида ўз оиламиз ва яқинларимиз бошидан кечирган ташвиш ва муаммолар, янгилик ва хурсандчилик етказган кунлар барчамизнинг кўз ўнгимизда беихтиёр намоён бўлиши табиийдир.*

*Ўйлайманки, ҳаммамиз бир фикрга қўшиламиз – 2011 йил энг аввало эл-юртимизни янги, обод ва озод, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга бошлаган буюк тарихий ва қутлуғ сана – Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигини кенг нишонлаш йили бўлгани билан хотирамизда сақланиб қолади.*

*Шу маънода, 2011 йилни биз босиб ўтган 20 йил мобайнида халқаро майдонда тан олинган, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган, юртимизнинг, ўлкамизнинг қиёфасини тобора ўзгартириб бораётган мамлакатимиз тараққиёт йўлининг узвий бир қисми, мантиқий давоми, деб қабул қилсак, ҳеч қандай хато бўлмайди.*

*Ҳеч кимга сир эмас, ҳар қайси йилнинг келиши ўзига хос хусусиятлари, табиат ва ҳарорат инжиқликлари ва ўзгаришлари, сув танқислиги ва турли аломатлари билан бир-биридан ажралиб туради. Лекин, поёнига етаётган йил қандай қийинчилик ва мураккаблик келтирмасин, 2011 йил мамлакатимиз ва халқимиз учун самарали ва хосиятли бўлди, деб айтишга тўлиқ асосларимиз бор.*

*Дунёдаги энг нуфузли молиявий ташкилотлардан бири бўлмиш Халқаро валюта фонди томонидан таъкидланганидек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг давом этиши ва салбий таъсир ўтказишига қарамасдан, Ўзбекистон саноқли давлатлар қаторида 2011 йилда ҳам ялпи ички маҳсулотнинг 8,3 фоизга ўсишини таъминлаб, шу асосда охирги 5-6 йил давомида иқтисодиётимизнинг барқарор юқори суръатлар билан ривожланиши бежиз эмаслигини исботлаб берди.*

*Жорий йил давомида мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш йўлида катта ишлар амалга оширилганини кўп-кўп мисолларда яққол кўриш мумкин.*

*Ўтган давр мобайнида илгари фақат орзу қилиш мумкин бўлган марраларга эришганимиз аввалambор биз танлаган йўлнинг ҳар томонлама тўғри эканини тасдиқлаб бермоқда. Хусусан, иқтисодиётимизнинг локомотиви бўлмиш янги ишлаб чиқариш тармоқларига асос солганимиз, ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилгани, ёқилғи-энергетика, тоғ-кон саноати, кимё, автомобилсозлик, капитал қурилиш, транспорт ва коммуникация, енгил саноат каби етакчи тармоқларнинг жадал ривожланиб бораётгани ана шундай ютуқларга мустаҳкам пойдевор бўлмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.*

*Айниқса, фидойи деҳқон ва фермерларимизнинг бу йилги мавсумда оғир табиий қийинчиликларни мардонавор енгиб, 6 миллион 800 минг тонна ғалла, 3 миллион 500 минг тоннага яқин пахта хирмони бунёд этгани, 8 миллион 200 минг тоннадан зиёд*



*сабзавот ва полиз, қарийб 3 миллион тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштириб, янги йилни ёруғ юз билан кутиб олаётгани ҳар қанча таҳсинга сазовордир.*

*Иқтисодиёт соҳасида биз эришган ана шундай салмоқли натижалар ўз навбатида 2011 йилда иш ҳақи, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори 20,2 фоизга, пенсиялар 26,2 фоизга кўпайиши, аҳолининг реал даромадлари эса 23,1 фоизга ошиши учун имкониятлар туғдириб берганини алоҳида қайд этиш зарур.*

*Шу борада 2011 йилда иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилиш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик соҳаси учун кенг имконият ва имтиёзлар яратиб бериш ҳисобидан мамлакатимизда 1 миллионга яқин иш ўрни ташкил этилгани бандлик масаласини ҳал қилишда муҳим қадам бўлди.*

*Якунига етаётган йил инсон манфаатини биринчи ўринга қўядиган улкан устувор лойиҳаларни амалга оширганимиз билан ҳам тарихимизда муносиб ўрин эгаллайди. Мустақиллик йилларида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлидаги амалий ишларимиз натижасида одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси сезиларли равишда ошгани, оналар ва болалар ўлими кескин камайгани, биз қўлга киритган бундай ютуқлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юксак эътироф этилаётгани албатта барчамизга катта ғурур ва ифтихор бағишлайди.*

*Биз учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган таълим-тарбия соҳасида 2011 йилда бажарган улуғвор ишларимиз, уларнинг самараси ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Энг муҳими, ана шундай беқиёс имкониятлардан баҳраманд бўлиб, тобора Ватанимиз истиқболини белгилаб берадиган ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган навқирон ўғил-қизларимиз ўзининг дастлабки, умидбахш ютуқлари билан барчамизни қувонтирмоқда.*

*Шу ҳақда гапирар эканмиз, бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимизни истардим. Кўпни кўрган, заҳматкаш халқимизнинг машаққатли меҳнати эвазига эришган, тасаввур этишнинг ўзи қийин бўлган бундай юксак марраларимизнинг пойдевори, энг катта бойлигимиз бўлмиш – юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, меҳр-оқибат ва бағрикенгликни, миллатлараро тотувликни кўз қорачиғидек асраш, бугун биз бошимиздан кечираётган нотинч ва таҳликали замонда доимо ҳушёр, огоҳ ва сезгир бўлиб яшаш, ёшларимизни миллий ғоя руҳида тарбиялаш, уларнинг онги ва қалбини турли зарарли таъсирлардан ҳимоялаш ҳозирги кунда нақадар долзарб ва муҳим вазифага айланаётганини унутмаслигимиз даркор.*

*Азиз дўстларим, қадрдонларим!*

*Биз кириб келаётган янги – 2012 йилга мамлакатимизда "Мустаҳкам оила йили" деб ном берганимиз бежиз эмас, албатта. Бунинг негизида юртимизда оила институтини, аввало, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила таянчи бўлган аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш, маҳалла тизимининг бу борадаги ролини кучайтириш, мухтасар айтганда, оила фаровонлигини ва шу асосда бутун халқимиз фаровонлигини янада ошириш каби мақсадлар мужассам эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.*

*Янги – 2012 йилга мўлжалланган режаларимизда Давлат бюджетининг 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, унинг аксарият қисми юқорида зикр этилган соҳаларни таъминлашга, аввало соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият тармоқларини юксалтиришга қаратилган. Иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар миқдори 20 фоизга, аҳолининг реал даромадлари эса 22-24 фоизга кўпайиши белгиланмоқда.*

*Янги йилда икки йил олдин бошланган ва халқимизни, аввалambор қишлоқ жойларда яшаётган аҳолининг келажагини ўйлаб амалга оширилаётган, бутун жамиятимизнинг эътибор марказида турган, яъни қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойларни қуриш, коммунал-маиший шароитларни яратишга қаратилган дастурни давом эттириш кўзда тутилмоқда. 2011 йилда 7 минг 400 та оила умумий майдони 1 миллион 100 минг квадрат метр бўлган, ҳар томонлама қулай уй-жойларга, замонавий шароитларга эга бўлган бўлса, 2012 йилда 8 минг 510 та оила шаҳар шароитидан ҳеч кам бўлмаган ана шундай янги уй-жойларга кўчиб кириши мўлжалланмоқда.*

*Янги йилга мана шундай олижаноб мақсадлар билан қадам қўяр эканмиз, кириб келаётган йилда барча холис ниятларимиз ижобат бўлғай, иншооллоҳ.*

*Азиз ва муҳтарам ватандошларим!*

*Барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган Янги – 2012 йил билан яна бир бор самимий табриклайман.*

*Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда қалбимдан, юрагимдан чиқаётган энг эзгу тилакларни изҳор этаман:*

*кексаларимизнинг умри узоқ бўлсин,*

*опа-сингилларимизнинг чеҳрасидан табассум аримасин,*

*ёшларимизнинг бахту иқболини берсин.*

*Янги йилда ҳам Яратганимиз ҳаммамизни ўз паноҳида сақласин, ўзи асрасин.*

*Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!*

*Янги йил барчамизга муборак бўлсин!*

***Ислом КАРИМОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Президенти***

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига янги — 2012 йил муносабати билан хорижий мамлакатлар, ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ҳамда сиёсат ва жамоат арбобларидан самимий қутловлар келмоқда.**

**• Янги йил арафасида Навоий шаҳрининг «Умид» қўрғони ҳамда Кармана туманидаги «Хазора» даҳасидаги намунавий лойиҳалар асосида қурилган аҳоли пунктида янги нон ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Айни пайтда мазкур корхоналарда 10 хилдан ортиқ сифатли нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.**

**• Термиз шаҳридаги «Grand shifer» қўшма корхонасида шифер ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган янги технологик линия ишга тушди. 85 киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада ойига 45 минг донадан зиёд сифатли томёпқич материаллари тайёрланмоқда. Ушбу лойиҳага 1 миллион 789,4 минг АҚШ долларилик маблағ йўналтирилди.**

**• Юқори Чирчиқ тумани марказидаги «Янгибозор деҳқон бозори» қайта реконструкция қилиниб, Янги йил байрами арафасида фойдаланишга топширилди. «Металл қурилиш сервис» ҳамда «Баркамол савдо бахт» масъулияти чекланган жамиятлари бунёдкорлари томонидан бу ерда 900 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Испания ҳукумати иқтисодиётни барқарорлаштириш мақсадида кескин чора-тадбирлар тўпламини қабул қилди.**

**• Приднестровьенинг янги президенти Е.Шевчук Вазирлар Маҳкамасини тўла таркибда истеъфога чиқарди.**

**• Ким Чин Ин Шимолий Корея армиясининг олий бош қўмондони этиб тайинланди.**

**• Ноқулай об-ҳаво шароитлари туфайли Москванинг «Домодедово» аэропортида 20 га яқин авиарейслар бекор қилинди.**

**• 2012 йил 1 январдан бошлаб Корея Республикасига барча кириш жойларида биометрик маълумотларни олиш тартиби жорий этилди.**

**• Покистоннинг жануби-ғарбий қисмида террорчилар томонидан миналаштирилган автомобилнинг портлатилиши натижасида 9 киши ҳаётдан кўз юмди.**

**• Бугундан бошлаб Самоа Республикаси янги соат тизимига ўтди.**

**• Каракас шаҳрида бензин ташувчи машина ва йўловчи автобуснинг тўқнашиб кетиши натижасида 14 нафар йўловчи ҳаётдан кўз юмди, 20 нафари турли даражадаги куйиш жароҳатларини олди.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚЎШИМЧА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ВА АФЗАЛЛИКЛАР БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар ва омилларни яратиш, бунинг асносида оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини таъминлаш, ахборот соҳасини ривожлантиришда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамият назоратини ўрнатишда уларнинг ролини ошириш мақсадида:

1. 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб:

оммавий ахборот воситалари таҳририятлари ва нашриётлар ижтимоий-сиёсий ҳамда болалар адабиётини, имкониятлари чекланган шахслар (кўзи ожизлар, кар-соқовлар ва бошқалар) учун адабиётларни сотишдан олинган фойдадан фойда солиғини ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан;

таҳририятлар, нашриёт ва босмахоналар оммавий ахборот воситаларининг маҳсулотлари, китоб маҳсулотларини сотишдан ва уларнинг нусхаларини кўпайтириш бўйича хизматлардан олинадиган даромадлар қисмида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича оммавий ахборот воситалари ва китоб маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, нашриётлар, телерадиоэшиттириш компаниялари ва полиграфия ташкилотлари томонидан олиб келинадиган қоғоз, полиграфия материаллари ва ахборот сақлаш мосламалари, ускуналар божхона тўловларидан (божхона йиғимлари бундан мустасно) беш йил муддатга озод этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб оммавий ахборот воситалари ва китоб маҳсулотларини етказиб бериш хизматлари қўшилган қиймат солиғига тортилмайди.

3. 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб:

микрофирмалар ва кичик корхоналарга мансуб бўлган оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, нашриётлар, полиграфия ташкилотлари, телерадиоэшиттириш компаниялари учун ягона солиқ тўлови ставкалари 6 фоиздан 5 фоизга;

чоп этилган маҳсулотларни сотишдан, муҳаррирлик хизматлари, полиграфия ва нашриёт хизматларини кўрсатишдан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод» Жамғармасига нашриёт ва матбаа ташкилотлари тўлайдиган мажбурий ажратмалар миқдори икки фоиздан бир фоизга;

газета, журналлар ва китоб маҳсулотларини чакана сотишга ихтисослашган якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаси ўрта ҳисобда 2 баробарга пасайтирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2012 йил 1 январдан бошлаб оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, нашриёт ва босмахоналарни кичик корхоналар тоифасига киритиш чоғида улар ходимларининг ўртача йиллик чекланган сонини 50 нафардан 100 нафаргача ошириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2011 йил 30 декабрь*

### Шаҳар сайлов комиссиясида

## АЙРИМ ОКРУГЛАРДА САЙЛОВ ЎТКАЗИЛАДИ

**Илгари хабар қилинганидек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши қарори билан 2012 йил 29 январь куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 7-Ширин (Учтепа тумани), 20-Толариқ (Миробод тумани) ва 50-Минор (Юнусобод тумани) сайлов округлари бўйича бўшаб қолган ўринларга сайлов ўтказилади.**

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар комиссиясининг бўлиб ўтган йиғилишида мазкур сайлов жараёнини қонунчилик асосида ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан асосий тадбирларнинг календарь режаси тасдиқланди.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 44-моддасига мувофиқ бўшаб қолган ўринларга Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайловини ташкил этиш учун сайловга камида йигирма беш кун қолганда округ сайлов комиссиялари тузилади.

Шаҳар сайлов комиссияси томонидан қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда календарь режасига биноан Учтепа тумани бўйича – 7-Ширин, Миробод тумани бўйича – 20-Толариқ, Юнусобод тумани бўйича – 50-Минор сайлов комиссияларини тузиш ҳамда уларнинг раис, раис ўринбосари, котиб ва аъзолари таркибидаги рўйхатни матбуотда эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Йиғилишда тегишли туман ҳокимликларига мазкур округ сайлов комиссиялари жойлашадиган манзиллар бўйича қонун доирасида ташкилий ишларни амалга ошириш вазифаси юклатилди.

*(Бўшаб қолган ўринларга халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг таркиби 3-бетда чоп этилмоқда)*







ЯНГИ ЙИЛ ҚУВОНЧИ

Тадбиркорга омад ёр

# ИМКОНИЯТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИБ

***Ички бозорда четдан келтириладиган маҳсулотлар ўрнини маҳаллий товарлар эгаллаб бормоқда. Бу бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулотлар сифатини оширишга қаратилган эътибор самарасидир.***

Ҳозирда паролон маҳсулотларни ишлаб чиқаришда соҳада етакчи ҳисобланган «Simakx-Pars» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси ҳам сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлари билан ички бозорда ўз ўрнига эга.

— Мустаҳкам оила йилида дилимизга яхши ниятларни тукканмиз, — дейди корхона директори ўринбосари Мурод Маҳкамов. — Бизларга берилган имкониятдан, солиқ имтиёзларидан оқилона фойдаланиб, ишлаб чиқариш фаолиятимизни тобора кенгайтиряпмиз. Бунинг натижасида эса маҳсулот тайёрлаш ҳажми йил сайин ошиб бормоқда. Тез орада яна бир лойиҳани амалга оширишни мақсад қилганмиз. Бунда V Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида маҳсулотларимиз билан қатнашганимиз қўл келди.

2005 йилдан буён фаолият кўрсатаётган мазкур хусусий ишлаб чиқариш корхонасида паролон Россия технологияси асосида — мижозларнинг хоҳиш-истакларига кўра ҳар қандай қалинликда тайёрланади. Ранглар ҳам буюртма асосида танланиб, 16-30 мм. зичлик-



даги, қалинлиги 0,5 дан 100 сантиметргача бўлган маҳсулот республика бўйлаб буюртмачиларга етказиб берилади.

Корхона цехлари хориждан келтирилган замонавий технологик линиялар билан жиҳозланган бўлиб, тайёрланаётган паролон маҳсулотлари мебель саноатида, транспорт воситаларида, тиббиёт жиҳозлари, спорт инвентарлари ишлаб чиқаришда, қувурлар тизимида, маиший соҳаларда кенг қўлланилади.

Доимий изланиш, янги лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш туфайли ушбу хусусий корхонанинг кичик тикувчилик цехида паролондан харидоргирлиги таъминланаётган кўрпа, ёстиқ, одеял, матрасларнинг кўплаб турлари тайёрланади. Бу ҳам замон талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритаётган кичик бизнес субъектининг имкониятларидан ёрқин далолатдир.

Буюртмачиларга маҳсулотларнинг сифатли тайёрланиб, ўз муддатида етказиб берилишида корхонадаги сифат лабораториясининг ҳам муносиб ўрни бор. Бунда етакчи мутахассислар паролоннинг сифатини қатъий назорат қилиб боришади. Бу ерда ишлаб чиқарилган ҳар бир маҳсулот давлат стандартлари талаблари асосида жиддий синовлардан ўтказилиб, сертификатланган.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**
**Козим Ўлмасов олган сурат**



**Маҳмуд ТОИР,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

# ОИЛА — ОРИЯТ ҚЎРҒОНИ

***Дарҳақиқат, тонгда уйидан ёруғ юз билан чиқиб, кун поёнида соғинч ила кириб келадиган одамлар чиндан бахтли. Чунки яшашнинг аввали оиладан бошланади.***

Тўғрироғи, бу дунёда инсонга нимаики керак бўлса, ҳаммасининг аввали оилада шаклланади. Яъни, тарбиянинг, меҳр-оқибатнинг, илму ҳикматнинг, қут-бараканинг, бахту саодатнинг ибтидоси оилада. Оила — ор-номуснинг, ориятнинг қўрғони. Шу боис ота-боболаримиз уйдаги гапни кўчага ташима, деганлар. Шунинг учун ҳам халқимиз «қўшнига чиқса қўшади, овулга чиқса ошади», деган нақлни топиб айтган.

Тарихий ҳақиқатдан шу нарса аёнки, қайси халқнинг одамлари уйида, оиласида меҳру оқибатли, маърифатли, заҳматкаш бўлса шу юртда қут-барака, тараққиёт бор. Шу элнинг ёшлари эртанги кунига комил ишонч билан қарайдилар. Айни пайтда ота-боболарининг асрий анъаналарини, эзгу ниятларини давом эттиришга иштиёқи баланд бўлади. Шу маънода асрлар оша миллатимиз аждодларидан авлодларига ўтиб келаётган қадриятларимиз борки, бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Инсон ҳаётида оиланинг, оилада ота-онанинг ўрни, фарзандларнинг бурчи борасида миллатимизга хос бўлган эзгу амалларимиздан бугун сабоқ олаётганлар талайгина. Муҳтарам Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарларида алоҳида таъкидлаганларидек, «Ақли расо ҳар қайси инсон яхши англайдики, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди».

Инсон тонгда яхши ниятлар ила кўча эшигини очади. Оиладаги нур маҳаллага, маҳалладаги қишлоққа, шаҳарга, туманга, тумандаги эса вилоятга, сўнг бутун Ўзбекистонга таралади. Агар бу нур шукрона нури, бу нур оилаларимиздаги тинчлик, хотиржамлик, бахту саодатимиз нури бўлса, демак, биз ҳавас қилгулик ҳаёт соҳибимиз. Айни пайтда бу нур элу юртимиз оша Ўзбекистон нури бўлиб бутун оламга таралади.

Оила поклигидан жамият поклиги бошланади. Шунингдек, оила маърифати жамият ва замон маърифатини белгилайди. Шу ўринда ҳозирда муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт халқимиз бахту саодати, илму маърифати йўлида қилинаётган ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси эканлигини таъкидлаш жоиз.

Президентимиз ибораси билан айтганда: «Инсон ва жамият, шахс ва оиланинг ўзаро муносабатлари, уларни табиий равишда уйғунлаштириш Асосий Қомусимиз пойдеворини ташкил этади». Ўтган йигирма йил мобайнида йилларимиз номланишини таҳлил қиладиган бўлсак, аксарият эътибор оилавий ҳаётимизни такомиллаштириш, миллий қадриятларимизни авайлаш, она ва бола саломатлигини асрашга қаратилганини кўрамиз. Масалан, 1997 йилнинг «Инсон манфаатлари йили», 1998 йилнинг «Оила йили», 1999 йилнинг эса «Аёллар йили» деб номлангани ҳам фикримизнинг ёрқин исботидир. Умуман она ва бола саломатлигини асраш борасида давлатимиз томонидан қабул қилинган қатор Дастурларни бошқа бирон-бир мамлакатда бизнинг даражамизда учратолмаймиз. Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ пухта ўйлаб амалга оширилган бу эзгу ишлар эндиликда ўз ижобий натижалари ила бутун дунёни ҳайратга солмоқда. 2011 йилнинг 26 ноябрь куни пойтахтимизда «Маънавият маркази» мажмуидаги симпозиумлар саройида «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели», «Соғлом она — соғлом бола» мавзусида бўлиб ўтган халқаро симпозиум фикримизнинг далилидир. Дарҳақиқат, Аёл, Оила, Фарзанд тушунчалари ҳамиша бир бутун тасаввур этишни тақозо қилади. Аёлни оиладан, фарзандни онадан айро тасаввур қилолмаймиз. Оиланинг бахти, файзу таровати аёлнинг қўлида. Шунинг учун ҳам улуғларимиз «ўғлини ўқитган одам бир кишини, қизини ўқитган инсон миллатни ўқитади», деганлар.

Яна шуни алоҳида фахру ифтихор ила айтамизки, давлатимиз томонидан ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун нимаики зарур бўлса, барчаси бекаму кўст амалга оширилмоқда. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов нафақат мустақиллик йиллари, балки Ўзбекистонга раҳбар этиб тайинланган 1989 йилнинг 23 июнидан эътиборан «Бизга кадрлар тайёрлашнинг махсус миллий дастури керак», дея куйиниб таклиф киритганлар ва буни бирон дақиқа кун тартибидан туширмаганлар. Мана шу узоқни кўзлаб қабул қилинган қатор қарорлар, мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш натижасида 1600 га яқин академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, қарийб 10 мингта умумтаълим мактабининг, 200 га яқин болалар мусиқа ва санъат мактабининг янгитдан барпо этилгани ва реконструкция қилингани, 1200 тадан зиёд болалар спорт иншоотининг қуриб фойдаланишга топширилгани ва замонавий асосда жиҳозлангани дарҳақиқат, давлатимиз қудратининг, оқил ва доно сиёсатимизнинг бетакрор тимсолидир.

Қувонарли томони шундаки, бу улуғ бунёдкорликни бугунги кунда ўғил-қизларимиз давлатлараро ўтказилаётган илм-фан олимпиадаларида, дунёнинг спорт майдонларида, буюк мамлакатларнинг санъат кошоналарида ўз истеъдодлари ила оқлаб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтармоқдалар, мадҳиясини янгратмоқдалар. Бир сўз билан айтганда, миллатимиз юзи, давлатимиз қудрати бўлиб ўзлигимизни намоён этмоқдалар.

Табиийки, фарзандларимизнинг бу ютуқлари ҳар бир ота-онага, ҳар бир оилага ўзгача қувонч бахш этмоқда. Зеро, фарзандидан фахру ифтихор этиш ҳар қандай ота-она учун бу дунёдаги мукофотнинг энг олийси ҳисобланади, десак хато қилмаган бўламиз. Чунки фарзанд бахту иқболини, истеъдодини оила осмонида юз очган янги юлдузга, кўз очган янги булоққа, айни пайтда ота-она чеҳрасида балқиган қуёшга менгзаш мумкин.

Ҳурматли Юртбошимиз ўтган йиллар мобайнида қандай қарор қабул қилмасинлар, халқимизнинг истиқболини, ўғил-қизларимизнинг камолини ўйлаб иш тутмоқдалар. Шу маънода 2012 йилга «Мустаҳкам оила йили» деб ном берилиши жамият негизининг таянчи бўлмиш оилага бўлган эътибор намунасидир.Президентимиз таъкидлаганларидек: «Янги йилга мана шундай ном беришимиз, азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужассам. Чунки, оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор. Буни исботлаб, тасдиқлаб беришнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ».

Шуни унутмаслигимиз кераккки, бу сўзлар юртимизнинг ҳар бир фуқароси зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Чунки ҳар биримизнинг ўз оиламиз бор. Оилада эса ҳар кимнинг ўз ўрни бор. Элу юрт олдидаги, жамият олдидаги масъуллигини ҳис қилиб иш тутган одам ўзини хатодан тияди. Зеро, оиладаги бир инсоннинг хатоси шу оила юзидаги доғ. Жамиятдаги бир оиланинг хатоси — шу жамият нуқсони бўлиб юз очади. Ўзгаларга озор етказади. Демак, давлатимиз томонидан қилинаётган барча ғамхўрликка ўз фидойилигимиз, илму маърифатимиз, меҳру оқибатимиз, ҳалол меҳнатимиз билан жавоб бермоғимиз керак. Улуғ шоиримиз лутф қилганларидек тинч ўтган ҳар кунимизнинг ўзи бир байрам.

Мен «Тошкент оқшоми» ўқувчиларини, кўҳна ва ҳамиша навқирон пойтахтимиз аҳлини шу саодатли дамлар, қувончли кунлар, янги 2012 йил билан самимий муборакбод этаман. Танлари соғ, умрлари узоқ бўлиб, бахту омад, қувончу шодлик уларга ҳамиша эргашиб юрсин.

## БАХТ

*Чироқ қадрини сўрсанг қоронғу кечалардан,*
*Бу кўҳна ҳақиқатни сўраб кўр нечалардан,*
*Ким уйидан бахт топмай, топганмиш кўчалардан,*
*Уйида бахти борлар ҳар ерда бахтиёрдир.*

*Бахтингизни изламанг ўзга юрт, кошонадан,*
*Ватан ҳам бошланғуси дегайлар остонадан,*
*Ҳар бир сўзнинг аввали, сўранг мушфиқ онадан,*
*Уйида бахти борлар ҳар ерда бахтиёрдир.*

*Тиниқ бўлса, тинмаса изингдаги ирмоғинг,*
*«Болам», десанг, куйдирса, қўрлар тўкса дудоғинг,*
*Ёноғингдан ўт олиб, ёниб турса чироғинг,*
*Уйида бахти борлар ҳар ерда бахтиёрдир.*

*Тонгларда кўзларингда вафо кулиб уйғонса,*
*Оқшомлар болишингда садоқат гулдек ёнса,*
*Қадам боссанг остонанг меҳр бўлиб тўлғонса,*
*Уйида бахти борлар ҳар ерда бахтиёрдир.*

*Кетаяпман, хуш қолинг, келаяпман, ассалом,*
*Сиздан дунё сўрмаймиз, биргина ширин калом,*
*Шу кўҳна, ҳақиқатни Маҳмуд такрорлар мудом,*
*Уйида бахти борлар ҳар ерда бахтиёрдир.*

# ҚУТЛОВЛАР

**Вольфганг НОЙЕН,**
**Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:**

— Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган вақтдан бошлаб Германия ва Ўзбекистон бир-бири билан узвий ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаб бормоқда. 2011 йил 31 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикаси томонидан мустақил давлат сифатида тан олинганига 20 йил тўлди. Ўзаро ҳамкорлик давлатлараро муносабатларнинг барча соҳаларида олиб борилмоқда ва у фуқаролик жамияти билан узвий алоқаларни ҳам ўз ичига олади. Ушбу ҳамкорликни келажакда ҳам самарали давом эттиришга қатъий бел боғлаганмиз.

Мен Ўзбекистон халқига янги 2012 йилда тинчлик, соғлиқ ва фаровонлик тилайман.

* * *

**Анумула Гитеш ШАРМА,**
**Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:**

— Ҳиндистон ва Ўзбекистонни илдизи узоқ ўтмишга бориб тақаладиган яқин маданий ва тарихий алоқалар боғлаб туради.

Улар икки мамлакат халқлари ўртасидаги ўзаро ишончга асосланган. Кўп томонлама алоқаларимиз сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий ва техник соҳалардаги ҳамкорликни қамраб олади. Маданият, фан, савдо, ахборот технологиялари, нефть ва газ, таълим, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги ўзаро алоқалар жадал суръатлар билан ривожланиб, янги марраларни эгалламоқда. 2011 йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий даражадаги расмий ташрифи асносида Ҳиндистон билан Ўзбекистон давлатлари ўртасидаги муносабатлар стратегик ҳамкорлик даражасига кўтарилди.

Шуни қайд этиш зарурки, 2011 йил, шубҳасиз Ўзбекистон учун алоҳида аҳамиятга эга йил бўлди, зеро бу йил мамлакатингиз ўз мустақиллигининг 20 йиллигини кенг нишонлади. Элчи бўлиб тайинланишдан олдин ҳам мен Ўзбекистонда бўлганман. Тарихан қисқа давр ичида Ўзбекистон президенти Ислом Каримов бошчилигида мамлакатингиз эришган кенг кўламли янгиланишлар ва тараққиётни алоҳида қайд этмоқчиман.

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, Ҳиндистон учун Ўзбекистон энг яқин дўст мамлакатлардан бири ҳисобланади ва унинг учун эшикларимиз ҳар доим очиқ. Фурсатдан фойдаланиб, меҳмондўст мамлакатингиз халқини янги 2012 йил билан табриклаб барчага бахт-саодат, фаровонлик ва каттадан катта ютуқларни тилашга рухсат бергайсиз. Дўстона алоқаларимиз янада мустаҳкамланиб, кенгайиб боради, деб умид қиламан.

Янги 2012 йил қутлуғ бўлсин!

* * *

**Намиг АББАСОВ,**
**Озарбойжон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:**

— Поёнига етган 2011 йилда қардош ўзбек халқи давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини кенг кўламда нишонлади.

Бизнинг юртимизда ҳам суверенитетимиз тикланганлигининг йигирма йиллиги катта хурсандчилик ва фахр билан байрам қилинди.

Мамлакатларимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётидаги ва бошқа соҳалардаги ютуқларининг замини ҳам ўхшаш: фақат ўз юртининг ва тақдирининг ҳақиқий эгасига айланган халқгина тарихан қисқа муддатда ана шундай улкан ютуқларга эришишга қодир.

Ўзбекистонлик қардошларни мамлакат фаровонлиги йўлидаги ютуқлари билан чин кўнгилдан қутлар эканман, янги йилда янги марраларга эришишни тилайман.

Янги 2012 йил озарбойжон ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстлик ва қардошликни кенгайтириш ва чуқурлаштиришда муҳим ўрин эгалласин!

* * *

**Абдул Азиз бин ХАРУН,**
**Малайзиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:**

— Малайзия элчихонаси ходимлари ва шахсан ўзимнинг номимдан сизларни қувончли байрам — янги 2012 йил билан чин қалбимдан табриклайман.

Ўтган 2011 йилни кузатган ҳолда шуни қайд этишни истар эдимки, барчамизда мамлакатингиз ҳаётидаги ёрқин ҳодисалар унутилмас таассурот қолдирди. Айниқса, ўзбекистонликлар учун сиёсий барқарорлик, иқтисодий тараққиёт ва фаровонлик даври бўлган Ўзбекистон мустақиллиги 20 йиллигининг кенг нишонланиши ушбу воқеалар қаторида алоҳида муҳим ўрин эгаллайди. Умид қиламанки, 2012 йилда Ўзбекистон янгидан-янги ютуқларга эришади.

Айни пайтда 2012 йилда барча соҳалардаги мавжуд дўстона алоқаларимиз мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида янада кенгайиб, чуқурлашиб боришига ишонаман.

Сўзимнинг якунида яна бир бор республика раҳбарияти ва ўзбек халқини Янги йил билан табриклайман ҳамда иқтисодий тараққиёт, тинчлик ва фаровонлик йўлида янги ютуқлар тилаб қоламан.

***Мана, салкам икки йилдирки, шаҳримиздаги Мирзо Улуғбек номидаги кўчадан ўтаётганда қалбимни ўзгача бир ғурур чулғаб олади. Бунинг сабаби бу кўчада Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган, бугун энг гавжум жойлардан бирига айланган «Ватанга қасамёд» мажмуасининг жойлашганидир. Мажмуа ёнидан қайта-қайта ўтгим келаверади. Ҳар сафар юрт шаъни, ор-номуси йўлида курашган аждодларим ёдимга тушаверади. Ичимдан бир тўлқин тошиб келаверади.***

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги олдидан**

# САДОҚАТ ТИМСОЛИ

Ҳар бир халқ, миллатнинг ўз эртаги, афсонаси, асотирлари бор. Ўзининг афсонага айланган қаҳрамонлари бор. Дунёга довруғ солган қаҳрамонларга эга эл эканлигимиз билан доимо фахрланаман. Ҳеч кимдан кам бўлмаган миллат сифатида нега энди садоқат, орият, ғурурни бизга ёт бўлган тимсоллардан олишимиз керак экан? Шу маънода олиб қараганда ҳам айнан бугун бизга миллий истиқлол ғояларига садоқатни, Ватанга бўлган муҳаббатни, фидойиликни янада шакллантирадиган, ёшларни Ватан учун буюк ишлар қилишга ундайдиган шундайин маънавий тимсоллар зарур.

Ахир, муҳташам монументга боқингчи, унда эл-юртимизнинг содиқ фарзанди, ёшларимизнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан етук ва мард тимсолини кўрмайсизми? Ватан ҳимояси, тинчлигимиз, фаровонлигимиз йўлидаги фидойи ўғлонларимизнинг, бугунимиз қаҳрамонларининг маънавий қиёфасини унда ҳис қилмайсизми?

«...Ёш авлодимизни миллий ғоя руҳида, мардлик ва матонат руҳида тарбиялашда улар учун маънавий ибрат бўлиб хизмат қиладиган бундай таъсирчан бадиий тимсолларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс, албатта», деган эди Президентимиз «Ватанга қасамёд» ҳайкалининг очилиш тантанасида.

Шу ўринда мазкур мажмуа пойида илк ҳарбий қасамёд қабул қилган аскарлар хаёлимдан ўтди. Келинг, ўша ҳаяжонли онларни бир эсга олайлик.

Шаҳбоз Зайниддинов:

— Мана шундай бетакрор мажмуа ёнида ҳарбий қасамёд қабул қилганимиз қалбимизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлади. Ушбу муҳташам монумент биз аскарларни жасоратли, матонатли, шу юрт, шу замин учун муносиб фарзанд бўлишга чорлаб туради.

Курсант ва офицер акаси гувоҳлигида ҳарбий қасамёд қабул қилган оддий аскар Шерзод Атақуловнинг фикрлари шундай бўлганди:

— Дуога қўл очиб, фарзандига оқ фотиҳа бераётган мўътабар она тимсолида ўз онам, маҳаллам ва яқинларимизнинг меҳрини ҳис қилдим. Ҳайкалда тасвирланган баҳодир йигитга қараб, унинг тимсолида Ватанга бўлган чексиз муҳаббатни, бурчга садоқатни англадим.

Набираси оддий аскар Абдуҳаким Ҳошимовни табриклаш учун келган 73 ёшли Ўрайим бобонинг ҳаяжон тўла айтган сўзларини эсдан чиқариб бўларканми?!

— Йигитнинг сўзи кескир, ўзи кескир бўлиши керак. Набираларим Ўзбекистон ҳимояси йўлида шаъни, ору номусини ўртага қўйиб ҳарбий қасамёд қилишди. Мана шундай муҳташам монументнинг — садоқатга, жасурликка қўйилган тимсолнинг ёнида қасамёд қабул қилишди. Бунда катта маъно бор. Илоҳим орият, ғурур уларни Ватанни ҳимоя қилишдек эзгу ишга руҳлантириб турсин.

Жорий йилда аскар бўлган йигит «Шуҳрат» медали соҳиби, армрестлинг бўйича ёшлар ўртасида уч карра Осиё чемпиони оддий аскар Шоҳруҳ Нуриддинов эса шундай дейди:

— Мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйи нишонланадиган йилда аскар бўлганимиз — бу бизга билдирилган юксак ишончдир. Бу ишонч, бу масъулият бизни мустақил Ватанимизга муносиб посбон бўлишга руҳлантиради. Айниқса, «Ватанга қасамёд» монументи олдида ҳарбий қасамёд қабул қилганим хотирамда ўчмас из қолдиради.

Ҳақиқат шуки, ҳаётда аниқ мақсад ва эътиқод билан яшайдиган инсон кучли бўлади. Байроғимизни кўзига тўтиё қилиб, Ватан ҳимояси, қутлуғ заминни асраш учун тайёрман, дея тиз чўкиб қасамёд қилаётган йигит бизни ана шундай кучли, мустаҳкам иродага эга бўлишга даъват этиб тургандек.



Яхшилаб разм солсангиз, бу йигитнинг сизга, бизга таниш жиҳатларини илғаб оласиз. Аниқроғи, унда истиқлол авлодларининг, мустаҳкам иродаси, Ватанга садоқати билан ҳақиқий қаҳрамонликка тайёр бўлган ёшларимизнинг тимсолини кўрасиз.

Ҳайкалдаги Ватан тимсоли бўлган мунис ва мўътабар онага разм солинг. Қайсидир жиҳатлари онангизни эслатаяпти-я? Меҳр билан такрор қаранг, унинг тимсолида юрт хизматига бел боғлаган ўғлонларига оқ йўл тилаётган Ўзбекистонни кўрасиз.

Қуролли Кучларимиз шарафига бунёд этилган муҳташам ҳайкалнинг очилиш маросимини давлатимиз раҳбари ҳам тарихий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий нуқтаи назардан катта аҳамиятга эга бўлган муҳим бир воқеа сифатида баҳолаганди. Бу бежиз эмас. Келинг, шу ўринда воқеликнинг маънавий жиҳатига эътибор қаратайлик.

Президентимиз Ислом Каримов «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» номли асарида ҳарбий соҳадаги маънавий тарбия ишларини тубдан яхшилашимиз, аскарларимиз, ҳарбий хизматчиларимиз онгига миллий истиқлол ғояси тамойилларини чуқур сингдиришимиз кераклигини таъкидлайди. Қолаверса, Қуролли Кучларимиз, унинг шаклланиш тарихи, бугунги ҳаёти қандай акс эттирилаётгани, бу хусусда болаларимизга қандай дарслик ва китоблар орқали қай йўсинда маълумотлар бераётганимиз доимий эътиборимизда бўлиши кераклигига урғу беради. Асарда маънавий тарбия соҳасида олдимизда турган муҳим вазифаларни бажаришда эл-юртимизга фидойи ва садоқатли, ватанпарвар, улкан ҳаёт тажрибасига эга инсонларга таянишимиз, бу борада энг замонавий, таъсирчан усул-услублардан фойдаланган ҳолда иш олиб боришимиз лозимлигини уқтиради. Нега давлатимиз раҳбари маънавият масаласига бунчалар эътиборни қаратмоқда? Аввало юксак маънавиятли посбон халқимиз тинч-фаровон ҳаётини ҳимоялаш, мамлакатимиз равнақи ва истиқболини асраб-авайлаш бурчи эканлигини, Ватанимизда юз бераётган улкан ўзгаришлар, янгиланишларга ўзи ҳам дахлдорлигини англайди. Маънавият армиямизда халқимиз, миллатимизнинг минг йиллар давомида шаклланган асл қиёфаси, азалий қадриятлари ва хислатларини акс эттиради. Ахир, биз ана шундай армияни шакллантиришни мақсад қилганмизда. Шу маънода олиб қараганда, «Ватанга қасамёд» ҳайкали ёш авлодни мардлик ва матонат руҳида тарбиялашда маънавий ибрат бўлиб хизмат қилади.

Садоқатнинг ҳайкали қаерда бўлади? Юракда, деган жавобимга эътироз билдирмассиз. Дарҳақиқат, юрак, қалб кўп нарсани белгилайди. Миноранинг буюклиги пойдевори ерга чуқур кирганидан, дейишади. Ҳа, замин билан боғланганликда гап кўп. Юрагимиз ўз заминимиз, тарихимиз билан чуқур, мустаҳкам боғланмас экан, ундаги ҳайкал омонат бўлади. Ватанга бўлган муҳаббат оташи билан уриб турган юракни забт этишолмайди. «Ватанга қасамёд» ҳар биримизнинг юрагимиздаги ҳайкал бўлиши керак. Аждодларим жасоратидан, матонатидан, садоқатидан қурилган бир улкан ҳайкал. Шундагина у нурамайди.

Азим пойтахтимиз Тошкентдаги бу бетакрор обида юрагимизда буюк аждодлардан мерос жасоратни, садоқатни уйғотгани рост бўлсин.

**Алижон САФАРОВ**

*Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар комиссияси*

*ҚАРОРИ*

## 7-ШИРИН, 20-ТОЛАРИҚ ВА 50-МИНОР САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ БЎЙИЧА БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

**«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 12, 44-моддаларига мувофиқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси**

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**Учтепа туманидаги 7-Ширин, Мирobод туманидаги 20-Толариқ ва Юнусобод туманидаги 50-Минор сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари қуйидаги таркибда тузилсин:**

### Учтепа тумани бўйича
**7-Ширин**
**округ сайлов комиссияси**

**Маркази** — Республика дизайн коллежи биноси. Учтепа тумани, Ширин кўчаси, 1-уй, телефон 272-88-18

**Раис**

**Муродов Шонасир Шоазизович** — Республика дизайн коллежи директори

**Раис ўринбосари**

**Толипова Малика Эргашовна** — 244-сонли мактабгача таълим муассасаси мудираси

**Котиб**

**Нигматов Жаҳонгир Муҳамадалиевич** — Республика дизайн коллежи ўқитувчиси

**Аъзолар**

**Олтиев Темир Жонимбоевич** — Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг академик лицей ва касб-ҳунар коллежлар билан ишлаш бўйича проректори

**Шамуталова Шоҳида Ботировна** — Маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари

**Акрамходжаева Дилором** — 340-сонли мактабгача таълим муассасаси мудираси

**Усманова Шаҳнозахон Хайдаржановна** — 74-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

**Абдуллаева Сабохон Исматовна** — 283-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

**Солихова Мавжуда Асамутдиновна** — 24-оилавий поликлиника бош шифокорининг ўринбосари

**Салимова Нигора Абдулкаримовна** — 107-мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

**Ҳасанова Гулжаҳон Тўлабоевна** — «Ширин» маҳалла фуқаролар йиғини раиси

### Мирobод тумани бўйича
**20-Толариқ**
**округ сайлов комиссияси**

**Маркази** — 31-мактаб биноси. Қўйлиқ 2-мавзеси, 3 а-уй, телефон - 290-72-19

**Раис**

**Ирмухаммедов Фарход Баходирович** — «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими раиси

**Раис ўринбосари**

**Бурихонов Султон Сафоевич** — «Махсус тажриба» автокорхонаси раҳбарининг ўринбосари

**Котиб**

**Нишанова Маҳсума Джурабаевна** — 263-мактаб директори вазифасини бажарувчи

**Аъзолар**

**Джураева Наргиза Анваровна** — туман халқ таълими бўлимининг услубчиси

**Каландарова Умида Розимбаевна** — туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси бош шифокори ўринбосари

**Умарова Саида Маматкуловна** — 85-сонли мактабгача таълим муассасаси мудираси

**Назаров Александр Ахтамович** — ҳарбий телекоммуникация йўналишидаги Тошкент академик лицейи ўқитувчиси

**Усманов Ботир** — «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси

**Азимбоев Алишер Зокирович** — Маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари

**Рябикина Наталья Леонидовна** — 31-мактаб ўқитувчиси

**Конанов Рустам Сирбаевич** — 31-мактаб ўқитувчиси

### Юнусобод тумани бўйича
**50-Минор**
**округ сайлов комиссияси**

**Маркази** — 9-мактаб биноси. Минор (Марказ-6) мавзеси, телефон 235-24-02

**Раис**

**Нарбаев Уктам Тиловкобулович** — Тошкент Молия институтининг маънавият-маърифат бўлими бошлиғи

**Раис ўринбосари**

**Жмак Вадим Олегович** — Марказий аэрогеодезия корхонаси директорининг ўринбосари

**Котиб**

**Файзуллаева Шаҳноза Абдухалимовна** — 4-сил касалликлари диспансери рентгенологи

**Аъзолар**

**Таиршиков Султаншик Мамиршикович** — туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси бошлиғи

**Давронов Зиёт** — Тошкент Молия институти «Фалсафа ва Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраси ўқитувчиси

**Насирова Мавлюда Тураповна** — 1-сонли давлат нотариал идораси давлат нотариуси

**Солиев Тожиддин Муталович** — «Физика-Қуёш» физика-техника институти катта илмий ходими

**Ниёзов Бозорбой Ниёзович** — «Музаффар коммунал» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси

**Талипова Акида Маҳмудовна** — «Минор» маҳалла фуқаролари йиғини котибаси

**Тангирбердиева Лобар Мамадалиевна** — Қизил Ярим Ой жамияти туман бўлими раиси

**Каримова Сайёра Зайнутдиновна** — 50-оилавий поликлиника бош шифокори

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар комиссияси раиси**
**О.ИНОҒОМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2011 йил 30 декабрь*


**ЕНГИЛ ТАКСИДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Енгил таксида йўловчи ташиш фаолияти билан қонуний шуғулланиш истагидаги тадбиркорларни «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси тизимидаги ихтисослашган такси саройларига ишга таклиф этамиз.

*Такси саройларида автомобилларни техник назоратдан ўтказиш жойлари, таъмирлаш устахоналари, ювиш ва сақлаш жойлари, йўналишга чиқишдан олдин тиббий кўрик, нозимлик хизматлари ташкил этилганлиги билан бирга, енгил автомобилларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 139-сонли қарори талаблари асосида жиҳозлаш борасида барча имкониятлар мавжуд.*

**Ўзингизни қизиқтирган саволлар бўйича қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:**

| | |
|---|---|
| «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси | тел.: 233-51-47 |
| «Тошавтобустранс» АК | тел.: 234-90-36 |
| «Чуқурсой автокорхонаси» МЧЖ | тел.: 248-05-56 |
| «Интер-транс-сервис» ҚК ОАЖ | тел.: 272-89-47, 272-68-52 |
| «Махсус тажриба автокорхонаси» МЧЖ | тел.: 290-70-17 |
| «Тўртинчи автохизмат» МЧЖ | тел.: 263-38-80 |
| «5-такси саройи» МЧЖ | тел.: 280-60-54 |




## ШАҲРИМИЗ МАКТАБЛАРИДА ФАН ОЙЛИГИ

***Декабрь ойида шаҳримиз мактабларида «Бошланғич таълим фан ойлиги» ўтказилди. Учтепа туманидаги 116-умумтаълим мактабида ҳам фан ойлигини уюштириш юзасидан самарали ишлар амалга оширилди.***

Ҳар бир ўқитувчи белгиланган жадвал асосида очиқ дарсларни янги педагогик технологиялар асосида интерфаол усулда ўтказди.

Дарсларда техник воситалар, мультимедиялардан фойдаланилди. Айниқса, Гулбаҳор Расулова, Нилуфар Усмонова, Дилбар Йўлдошева, Насиба Мирзааҳмедова, Нодира Раҳматоваларнинг дарслари жуда қизиқарли ўтиб, кўпчиликнинг эътиборини тортди. Ўқитувчилар ва ўқувчилар ўз қўллари билан ишлаган кўргазмалар дарсларнинг янада мароқли бўлишига ҳисса қўшди.

Шунингдек, мактабда «Конституция — бахтимиз пойдевори» мавзусида иншо ва баёнлар кўрик-танлови ўтказилди. Танловда 4-синф ўқувчилари З.Зиёвуддинова ва С.Маҳаматхоновалар ғолиб деб топилди. Шу билан бирга фан ойлиги доирасида расмлар танлови ҳам ташкил этилди.

— Ҳар йили декабрь ойида мактабимизда «Бошланғич таълим фан ойлиги» ўтказилади. Бу йилги фан ойлиги ҳам ниҳоятда кўтаринки руҳда олиб борилди. Бошланғич таълим фан ўқитувчиларининг ҳаммаси янги педагогик технологиялар асосида интерфаол услубда қизиқарли очиқ дарслар ўтишди. Фан ойлиги ўқитувчиларга янги услубларни ўрганиш ва тажриба алмашиш, ўқувчилар учун эса билимлар намойиши ва жамоавий ишлаш имкониятини берди, — дейди ушбу мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Дилбар Йўлдошева.

**Дилором ИКРОМОВА**

## ЯНГИ ЙИЛ ҚАЕРДА, ҚАНДАЙ НИШОНЛАНАДИ?

***Янги йил қачон, қаерда қандай нишонланади? Бу савол кўпчиликни қизиқтириши табиий.***

ЮНЕСКОнинг халқаро миқёсда келишилган «Кун алмашинадиган чизиқ» бўйича ер курраси мамлакатлари орасида биринчи бўлиб янги йилни Россиянинг Чукотка ярим ороли аҳолиси кутиб олишса, 2 соатдан кейин японлар, 5 соатдан кейин мўғуллар, вьетнамликлар, 7 соат ўтгандан кейин эса ўзбекистонликлар, 10 соат ўтгач москваликлар, 12 соатдан кейин инглизлар, французлар байрам қилишади, Нью-Йорк ва Вашингтон аҳолиси эса 17 соатдан кейин Янги йилни тантанавор кутиб олишади. Биз янги йилни ниҳоятда шоду хуррамлик билан нишонлаймиз. Тансиқ таомлар тайёрлаб, тўкин дастурхон тузамиз. Тонггача дил изҳорлари, эзгу тилак ва ниятлар тилаб ўйин-кулги билан нишонлаймиз. Хўш, дунёдаги бошқа мамлакатларда янги йил қандай нишонланади? Бу борада ҳар бир халқнинг ўзига хос удумлари бор.

- ***Камбоджада*** *янги йил куни аҳоли 30 дона янги тухумдан шакар солинган пишириқ тайёрлаб, бир-бирларини сийлашар экан. Шундай қилишса гўё бахт, омад эшик қоқиб келар эмиш.*
- ***Мўғулистонда*** *Қорбобо бошида тулки терисидан қалпоқ, эгнида пўстин, қўлида қамчин билан уйма-уй юриб ҳаммани табриклайди. Дастурхондаги таомларнинг барчаси гўштдан тайёрланади.*
- ***Итальянлар*** *янги йил кечаси синиқ стол-стулларни, дарз кетган идиш-товоқларни деразадан кўчага улоқтириб юборадилар. Шу боис улар янги йил кечаси кўчага чиқмай уйда ўтиришади.*
- ***Бирмаликлар*** *бир-бирларини сув сепиб табриклайдилар. Бундан ҳеч ким хафа бўлмайди. Шундай қилганда уларга бахт кулиб боқар эмиш.*
- ***Японлар*** *янги йил кечаси 108 марта қўнғироқ чалишиб, уйқуга кетадилар. Уйқудан тургач бир-бирларини табриклашади.*
- ***Бразилияликлар*** *эса, янги йил кечаси оппоқ либослар кийиб олишади. Хонадонларда шамлар ёқишади. Шамлар қанча узоқ ёнса, шунча умр кўриш мумкин, деб ўйлашади.*
- ***Вьетнамликлар*** *янги йил кечаси меҳмонга боришмайди. Ҳатто ухламайдилар ҳам. Ким ухлаб қолса, бахт ундан юз ўгирармиш.*
- *Янги йилни кутиб олишда ҳеч ким* ***корейликларга*** *етолмайди. Улар уйларида байрамни нишонлашгач, тонг отгунча безатилган майдонларда сайр қилишади. Одамлар истаган хонадонга кириб кетаверадилар. Мезбон меҳмонлар қўлига ичимлик тўлдирилган қадаҳ тутади. Ҳамма ўз оиласи бахти, тинчлиги, мамлакатда маъмурчилик бўлишини тилайди.*
- ***Ирландияда*** *янги йил кечаси барча хонадонларнинг эшиклари очиб қўйилиб, истаган уйга кирган меҳмон мезбоннинг азиз меҳмони бўлиши мумкин. Шундай қилишса, хонадонга бахт ва омад кириб келаркан.*

**Гулнора ҲАМИДОВА тайёрлади**

# 2012 ЙИЛ — МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ



**Январь**

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | 1 |
| 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 |
| 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 |
| 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 |
| 30 | 31 | | | | | |

**Февраль**

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 |
| 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 |
| 27 | 28 | 29 | | | | |

**Март**

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 |
| 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 |
| 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 |
| 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 | |

**Апрель**

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | 1 |
| 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 |
| 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 |
| 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 |
| 30 | | | | | | |

**Май**

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |
| 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 |
| 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 |
| 28 | 29 | 30 | 31 | | | |

**Июнь**

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 1 | 2 | 3 |
| 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 |
| 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 |
| 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | |

**Июль**

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | 1 |
| 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 |
| 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 |
| 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 |
| 30 | 31 | | | | | |

**Август**

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 |
| 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 |
| 27 | 28 | 29 | 30 | 31 | | |

**Сентябрь**

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | 1 | 2 |
| 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 |
| 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 |
| 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 |

**Октябрь**

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
| 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 |
| 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 |
| 29 | 30 | 31 | | | | |

**Ноябрь**

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 |
| 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 |
| 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 |
| 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | | |

**Декабрь**

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | 1 | 2 |
| 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 |
| 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 |
| 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 |
| 31 | | | | | | |

## ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ, СЎРАНГ, БИЛИБ ОЛИНГ

### ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ АСОСИЙ ХИЗМАТЛАРИ

- Ёнғин хавфсизлиги хизмати — 01
- Милиция — 02
- Тез ёрдам — 03
- «Тошгаз» авария хизмати — 04
- Қутқарув хизмати — 050
- «Сувсоз» ДУК — 054
- Коммунал хўжалигининг кечаю кундуз ишлайдиган диспетчерлик хизмати — 055
- Темир йўл бошқармасининг маълумотномаси — 005
- «Тошшаҳарйўловчитранс» такси буюртмаси — 062
- Дорихоналар бўйича марказий маълумотнома — 069
- Шаҳарлараро сўзлашувлар учун буюртмалар — 8191
- Ташкилотларнинг телефонлари ва об-ҳаво маълумотномаси — 09
- Шаҳарлараро телефон тармоғи маълумотномаси — 8194,8191
- Хонадонларнинг маълумотномаси — 009
- Шаҳар телефон тармоғи иши бўйича кечаю кундуз маълумотномаси — 064
- Фуқаролик хизмати бошқармаси — 235-81-75, 234-34-01
- «Тошкент» автовокзали — 279-39-15

### ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ ХИЗМАТИ

- Тўғри ўтказгичларни таъмирлаш хизмати — 068
- Марказий алоқа тармоғи — 086 — 235-04-25 — 235-09-10
- Олмазор алоқа тармоғи — 229-04-25, 229-09-10
- Миробод алоқа тармоғи — 255-04-25, 255-09-10
- Мирзо Улуғбек алоқа тармоғи — 262-04-25, 262-09-10
- Чилонзор алоқа тармоғи — 277-04-25, 277-09-10
- Янгиобод алоқа тармоғи — 297-04-25, 297-09-10

### МАРКАЗИЙ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

- Ичимлик суви тармоқлари — 252-60-08, 252-55-78
- Шаҳар оқава сув тармоқлари — 235-40-11, 235-43-79
- Иссиқлик тармоқлари — 255-09-26

### «ТОШГАЗ» БОШҚАРМАСИ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

- Марказий авария-диспетчерлик хизмати — 255-44-27
- Учтепа — 274-44-34
- Бектемир — 295-14-43
- Миробод — 254-15-61
- Мирзо Улуғбек — 267-19-47
- Олмазор — 248-35-48
- Сергели — 258-84-33
- Ҳамза — 296-39-61
- Чилонзор — 278-09-99
- Шайхонтоҳур — 242-39-26
- Юнусобод — 212-25-52
- Яккасарой — 255-49-59

### ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

- Марказий диспетчерлик хизмати — 233-77-53, 233-78-46
- Учтепа — 274-14-81
- Бектемир — 295-10-66
- Миробод — 291-15-92
- Мирзо Улуғбек — 267-58-15
- Сергели — 258-38-60
- Олмазор — 242-46-95
- Шайхонтоҳур — 278-87-11
- Ҳамза — 291-87-83
- Чилонзор — 271-13-63
- Юнусобод — 225-00-65
- Яккасарой — 250-19-67

### ТУМАН ҲОКИМЛИКЛАРИ ҚАБУЛХОНАЛАРИ

- Учтепа — 214-24-30
- Бектемир — 295-02-40
- Миробод — 233-29-86
- Мирзо Улуғбек — 268-94-04
- Олмазор — 227-11-03
- Сергели — 257-91-11
- Ҳамза — 283-33-32
- Чилонзор — 276-90-90
- Шайхонтоҳур — 241-26-00
- Юнусобод — 237-61-41
- Яккасарой — 255-74-49

### ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМЛАРИ

- Учтепа — 272-80-79
- Бектемир — 295-02-39
- Миробод — 293-18-95
- Мирзо Улуғбек — 267-33-50
- Олмазор — 246-09-90
- Сергели — 258-02-42
- Ҳамза — 296-06-30
- Чилонзор — 278-58-40
- Шайхонтоҳур — 288-31-90
- Юнусобод — 235-00-02
- Яккасарой — 255-94-96
- Шаҳар ИИББ ишонч телефони — 256-85-85

### ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТИ

- «03» бўйича навбатчилар — 236-73-32
- Олмазор 2-болалар ва катталар — 248-46-77
- Шайхонтоҳур 1-катталар — 243-26-68, 243-07-34
- Учтепа 4-катталар — 275-46-99, 275-48-99
- Мирзо Улуғбек — Ҳамза 5-катталар — 266-44-27
- Юнусобод 6-болалар ва катталар — 212-45-11
- Яккасарой 10-катталар — 255-85-54
- Сергели 8-болалар ва катталар — 258-36-85, 258-70-76
- Чилонзор 9-катталар — 216-73-88, 216-73-89
- Миробод 7-катталар — 290-70-03 (01)

### МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТАСАРРУФИДАГИ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ

- Тошкент шаҳар бошқармаси — 250-79-96
- Учтепа — 272-36-72
- Бектемир — 295-06-23
- Миробод — 256-54-96
- Мирзо Улуғбек — 269-14-60
- Сергели — 258-39-35
- Ҳамза — 297-58-17
- Чилонзор — 277-87-10
- Шайхонтоҳур — 249-06-34
- Юнусобод — 235-52-04

### МЕҲМОНХОНАЛАР

- «Интерконтиненталь — Ташкент» — 120-70-00
- «Марказий» — 238-30-00
- «Ўзбекистон» — 113-11-11

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.ru
Буюртма Г- 141
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11161 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 17.20
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
1234.5
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ